



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 14 » oktabr

№ 539

Toshkent sh.

### **Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш хукуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 28 сентябрдаги ПҚ-319-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПҚ-319-сон қарорига мувофиқ **28 та туман (шаҳар)да, эксперимент тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар кўрсатадиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг янги тизими йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Эксперимент доирасида қўйидагилар:

**2023 йил 15 октябрдан бошлаб “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар кўрсатадиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;**

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахснинг сўровномасини талаб этмаган ҳолда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатлар ҳамда унинг номидан сўровнома (ариза) киритиш йўли билан кўрсатиладиган **ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар рўйхати 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

a) **2023 йил 15 октябрдан бошлаб:**

**ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар “Инсон” ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари томонидан тасдиқланган жадвал асосида **бир йилда камида бир маротаба** туман тиббиёт бирлашмаси билан келишилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўtkaziladi;**

ижтимоий ходим асистенти томонидан ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга майший хизмат кўрсатиш ҳолати ижтимоий ходимлар томонидан мониторинг қилинади;

васийликка, ҳомийликка, оиласа тарбияга (патронат) ҳамда оиласавий болалар уйига берилган болаларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, уларнинг турмуш шароитлари ҳамда тарбияланиши ижтимоий ходимлар томонидан мониторинг қилинади;

боланинг қонуний вакиллари томонидан психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг хулосасини олиш бўйича аризалар ўзларининг яаш жойидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига ёки ҳудудга бириктирилган ижтимоий ходимларга тақдим этилади;

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ёрдам кўрсатилган ҳамда ҳимоя ордери берилган шахслар ижтимоий ходимлар томонидан олти ой давомида хонадонига ташриф буориши орқали **сайёр мониторинг қилинади**;

ижтимоий ходимлар томонидан болаларга уйда якка тартибда таълим берилиши ҳамда ўзининг ҳудудида жойлашган умумий ўрта таълим ва мактабгача таълим ташкилотларида **инклузив таълим ташкил этилганлиги ҳолатлари мониторинг қилинади**;

ижтимоий ходимларга фуқаролардан кам таъминланган оиласалар болалари учун **нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш бўйича аризаларни қабул қилиш ваколати берилади**;

туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўйимлари иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буортмасини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этишдан олдин ушбу буортмалар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари билан мажбурий тартибда келишилади;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига, шу жумладан, ижтимоий ходимларга ички ишлар органларининг муайян яаш жойига эга бўлмаган шахсларни **реабилитация қилиш марказларига монеликсиз кириш ҳуқуқи берилади**;

ички ишлар органларининг муайян яаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахслар учун алоҳида **вақтинчалик бошпаналар (шелтерлар) фаолияти йўлга қўйилади**;

ички ишлар органларининг муайян яаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида алоҳида вақтинчалик бошпаналар (шелтерлар)га жойлаштириш “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари директорлари қарорлари асосида амалга оширилади;

б) **2024 йил 1 январдан бошлаб** I гурух ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, даволаш муассасасининг хулосасига кўра ўзгаларнинг парваришига мухтоҷ бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатлари ижтимоий ходимлар томонидан бир йилда бир маротаба ўрганилади ва ўрганиш маълумотлари “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Ижтимоий ҳимоя” АТ) орқали юритиб борилади.

Бунда “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги электрон маълумотлар қараб турган шахсга пенсия тайинлашда иш стажига киритиш учун асос ҳисобланади;

в) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Агентлик томонидан ўтказиладиган “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлган ижтимоий ходимлар давлат олий таълим муассасаларига “Ижтимоий иш” мутахассислиги бўйича **тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади**;

г) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар қоплаб берилади:

бошқа ҳудудлардан олис ва чекка ҳудудларга келиб ишлаётган ижтимоий ходимларга турар жой ижараси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги харажатлар;

касбий фаолият билан боғлиқ Интернет алоқаси (планшет орқали Интернет тармоғидан фойдаланиш) билан боғлиқ харажатлар;

д) **2024 йил 1 июлдан бошлаб** моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий хизматларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш орқали ҳар бир фуқаро (оила) учун белгиланган ижтимоий тўловлар, тақдим этилган имтиёзлар, шу жумладан, субсидиялар, хизматлар ва ёрдамларнинг ҳар бир фуқаро кесимида “Ижтимоий ҳимоя” АТда ҳисоби юритилади, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очилган давлат жамғармалари ва бошқа жамғармалар интеграция қилинади.

#### 4. Агентлик:

**2023 йил 1 ноябрдан бошлаб** ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар эксперимент тариқасида йўлга қўйиладиган туман (шаҳар)ларда “Инсон” ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказларида оғир ҳаётӣ вазиятга тушган шахслар учун психологик ёрдам кўрсатиш тизимини жорий этсин;

**2023 йил 15 ноябряга қадар** ўзининг тизимиға кирадиган ташкилотларга тегишли бино ва иншоатларга **ижтимоий ҳимоя йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотларини**, заруратга кўра, текин фойдаланиш хукуқи асосида жойлаштириш чораларини кўрсин;

**2023 йил 1 декабрга қадар** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш натижасига кўра ногиронлиги бўлган шахс учун соғлигининг ҳолатига кўра

мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва меҳнат шароитлари тўғрисидаги маълумотлар интеграциясини таъминласин;

**2024 йил 1 январга** қадар ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолининг мурожаатларини тезкор кўриб чиқишига мўлжалланган “ишонч телефони”ни ишга туширсин.

5. Ижтимоий ходимларнинг ойлик иш ҳақи ҳамда фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган мукофот миқдорлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда маҳалладаги ижтимоий ходимлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларининг камида 20 фоизи **маҳалла раиси** томонидан киритилган **тақдимнома** асосида белгиланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПҚ-319-сон қарорига мувофиқ “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари директорларига муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларни Агентлик ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга олти ой муддатгача вақтинча рўйхатдан ўtkазиш хукуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 7. Белгилансинки:

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан рўйхатдан ўтказилган ҳар бир фуқаро тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали тақдим этилади;

миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари вақтинча рўйхатдан ўтказиш бўйича келиб тушган қарор юзасидан бир иш куни ичида фуқарони вақтинча турар жойга рўйхатга қўйиш тўғрисидаги QR-код билан ҳимояланган қайд варағини “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этади;

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказларидаги ижтимоий ходимлар гурӯхлари томонидан ишлаб чиқилган индивидуал тартибдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўrsatiш режалари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз ваколатлари доирасида бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўrsatiш марказларига йўналтириладиган ҳар бир шахс тўғрисида тегишли профилактика инспектори томонидан 12 соат ичида у аниқланган ҳудуддаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази мажбурий тартибда хабардор қилинади;

ижтимоий ходимларга транспорт харажатлари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорида компенсация тўлаб борилади;

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ҳамда ижтимоий ходимнинг талабномасини кўриб чиқиши муддати ўн кун ҳисобланади;

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган мухрга эга бўлади.

**8. Қуидагилар:**

ижтимоий ходимлар томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган олис ва чекка ҳудудлар рўйхати **4-иловага** мувофиқ;

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишлари **5-иловага** мувофиқ;

“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимига интеграция қилинадиган электрон маълумотлар базалари ва идоралараро маълумотлар алмашинуви рўйхати **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

**9. Агентлик:**

**а) икки ой муддатда:**

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари директорларига муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларни Агентлик ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга олти ой муддатгача вақтинча рўйхатдан ўtkазиш бўйича таклифларни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

**б) уч ой муддатда** ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг тасдиқланган индивидуал дастурларини қайта кўриб чиқиб, индивидуал дастурларига тузатишлар киритилишини таъминласин.

**10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимояни ривожлантириш институти ва Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 30 сентябрдаги 518-сон қарорининг 3-банди тўртинчи хатбошиси қуидаги таҳрирда баён этилсан:**

“Институт ва Марказнинг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2023 йил 1 июндаги ПҚ-176-сон қарорига асосан давлат умумий ўрта таълим муассасаларидаги ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими тугатилиши муносабати билан бўшаган штатлар ҳисобидан шакллантирилади”.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 14 октябрдаги 539-сон қарорига  
1-илова

**“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар  
кўрсатадиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар  
РЎЙХАТИ**

T/р	<b>Кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар</b>
<b>I. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар</b>	
1.	Тазиикка учраган хотин-қизлар ва вояга етмаганларга психологик хизмат кўрсатиш
2.	Ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик, ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар ва ногиронлиги бўлган болаларни парваришаётган оналар учун ҳамда бола туғилганда бериладиган нафақаларни тўлаш*
3.	Дафн нафақасини тўлаш*
<b>Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича</b>	
4.	Ҳар йили бир маротаба чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича жадвални тузиш ишларини ташкил этиш
5.	Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун сертификатни расмийлаштириш
6.	Талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш, шунингдек ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига киритиш (ундан чиқариш)
7.	“Саховат” ва “Муруват” интернат уйларига жойлаштириш учун мурожаатларни қабул қилиш
8.	Маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурларини ташкил этиш*
<b>Ногиронлиги бўлган шахслар, оғир касалликка чалинганлар, шунингдек, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар бўйича</b>	
9.	Ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун сертификат расмийлаштириш
10.	Мехнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг тавсияси ҳамда йўлланмасига асосан бандлигини таъминлаш ёки касбга тайёрлаш бўйича туман (شاҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига йўналтириш ва мониторингини олиб бориш
11.	Ногиронлиги бўлган шахсларга Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллый марказида стационар шароитда даволаниш учун йўлланма бериш*
12.	Ногиронлиги бўлган шахсларга “Параспорт ўйинларида тасниф қоидалари ва принциплари”га кўра параспорт билан шуғулланишлари бўйича берилган тавсияларига асосан спорт объектларига йўналтириш
13.	“Муруват” интернат уйларига жойлаштириш учун мурожаатларни қабул қилиш

14.	Болаларнинг психофизиологик ёш хусусияти, мойиллиги, қобилияти, қизиқиши, ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси талабларига мувофиқ равища реабилитация тадбирларини туман тиббиёт бирлашмасида, шу жумладан нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказишни таъминлаш*
15.	Спорт мажмуаларида бассейн-даволащ ва жисмоний тарбия (ЛФК) залларидан фойдаланишни ташкил этиш*
16.	Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни психологик-тиббий-педагогик комиссия текширувидан ўтказиш учун аризаларни қабул қилиш ҳамда Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг кейинги йиғилиши юзасидан ахборот бериш

**Тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича**

17.	Тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг йўқотилган биометрик паспортларини (идентификация ID-карталарини), туғилганлик ҳақида ҳамда никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома олиш, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги тўғрисидаги маълумотнома, ёлғиз она аризасига асосан қайд қилинган туғилганлик ҳақида маълумотнома ҳамда фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик ҳақида маълумотномани тиклаш, шунингдек яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш ишларини ташкил қилиш*
18.	Тазийқка учраган аёлларни хотин-қизларнинг касб-хунарга ўрганиш истаги бўлганларини худудлардаги мономарказ ва касб-хунарга ўқитиши марказларидан касбга ўргатишга йўлланма бериш*
19.	Тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза (шикоят) ва даъволар киритиш*
20.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг худудий бўлимларига жойлаштирилган аёлларнинг вояга етмаган фарзандларини энг яқин худуддаги имтиёзли шартларда мактабгача ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштириш бўйича талабнома киритиш*
21.	Тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг тижорат банкларида йўқотилган банк пластик картасини тиклаш учун тижорат банкларига мурожаат қилиш юзасидан ишончнома тасдиқлаш*

**Кам таъминланган оиласалар бўйича**

22.	Кам таъминланган оиласаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун аризаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида киритиш*
-----	---

**Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оиласалардаги болалар бўйича**

23.	Етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ўз оиласига олиш истагидаги номзодларни “Тутинган ота-оналарни тайёрлаш” курсларида ўқитиши ташкил этиш*
24.	Болани васийлик, ҳомийлик, оиласа тарбия (патронат)га, фарзандликка олиш, оиласий болалар уйини очиш истагидаги шахсларни ўрганиш, уларни ҳисобга қўйиш, болани уларнинг қарамогига берилишини расмийлаштириш*

<b>Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан фарзандлари олиб кетилган ота-оналар бўйича</b>	
25.	Оилада боланинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита хавф солаётган омиллар бартараф этилганда ота-оналиқ ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўриш*
<b>Вояга етмаган (18 ёшгача бўлган) оналар ва оталар бўйича</b>	
26.	18 ёшгача бўлган оналар ва оталарни ота-оналиқ кўнимкамларини ривожлантиришга, фарзанд парваришига ўқитишни ташкил қилиш*
<b>II. Ижтимоий ходимлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар</b>	
27.	Васийликка, ҳомийликка, оиласа тарбияга (патронат) ҳамда оиласий болалар уйига берилган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат қилиш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда кузатишни (мониторинг) амалга ошириш
28.	Оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оиласа тоифаларига кирувчи шахсларга ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тўғрисида маълумот ҳамда тушунтиришлар бериш
<b>Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича</b>	
29.	Чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш жадвалини патронаж ҳамшира билан биргаликда тузиш
30.	Хужжатларини расмийлаштириш ва қайта тиклашда ёрдам бериш
31.	Қариндошлари ва яқин инсонлари ўртасидаги муносабатларни тиклаш (ўрнатиш) ва ташкил қилиш
32.	Маҳалла даражасидаги ресурслар, шу жумладан ижтимоий қўллаб-куватлаш ва кўнгиллилар гурухларини шакллантириш ҳамда маҳалла даражасида маданий ва маърифий тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш*
33.	Қонунчилик хужжатларида бепул берилиши назарда тутилган дори-дармон билан таъминлаш ишларини ташкил этиш*
34.	80 ёшга тўлган кексаларга қараб туриш ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси расмийлаштириш*
<b>Ногиронлиги бўлган шахслар, оғир касалликка чалинганлар, шунингдек, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган ҳамда узок вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар бўйича</b>	
35.	Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар орасидан алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ота-оналарига мавжуд таълим шакллари ҳамда Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг фаолияти юзасидан ахборот бериш
36.	I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага қараб туриш ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси расмийлаштириш*
37.	Психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг хulosасини олиш учун ариза қабул қилиш
<b>Тазийк ва зўравонлик ҳолатлари бўйича</b>	
38.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика

	маркази ва худудий бўлинмаларида ёрдам кўрсатилган ҳамда ҳимоя ордери берилган шахсларни сайёр мониторинг қилиш
<b>Кам таъминланган оилалар бўйича</b>	
39.	Кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа тайинлашга ариза қабул қилиш
40.	Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлашга ариза қабул қилиш
<b>Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйича</b>	
41.	Боланинг қариндошлари (бобо, буви, aka-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар) ва у яшаётган оиланинг шахслари орасидан болани васийликка ёки ҳомийликка олишни истаган шахсларни аниқлаш ҳамда улар тўғрисида маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига юбориш
42.	Боланинг ота-онаси қаердалиги ҳақида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, уларни “бедарак йўқолган” деб топиш чораларини кўриш учун маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига киритиши
43.	Аҳоли орасида тегишли ташвиқотларни олиб бориш натижасида, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз оиласига олиши мумкин бўлган шахслар рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни васийлик ва ҳомийлик органига киритиши*
<b>Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан фарзандлари олиб кетилган ота-оналар бўйича</b>	
44.	Ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф мавжуд бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига вакил тайинлаш учун юбориш
45.	Боланинг қариндошлари (бобо, буви, aka-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар) ва у яшаётган оиланинг шахслари орасидан болани васийликка ёки ҳомийликка олишни истаган шахсларни аниқлаш ҳамда улар тўғрисида маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига юбориш
46.	Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида қарор қабул қилинган оилаларни мониторинг қилиши*
<b>Ота-онаси хорижий давлатларга кетган, шу жумладан ташқи меҳнат миграциясига кетган болалар ҳамда вояга етмаган (18 ёшгача бўлган) ёлғиз оналар ва оталар бўйича</b>	
47.	18 ёшгача бўлган ҳомиладор оналарга ҳамда уларнинг оила аъзоларига фарзандидан воз кечишининг психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатлари юзасидан тушунтириш бериши
48.	Ота-онасининг ҳар иккиси (ёки тўлиқ бўлмаган оилалар бўйича отаси ёки онаси) уч ойдан ортиқ муддатга чет элга кетган болаларни аниқлаш ҳамда маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига юбориш
49.	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”дан бирига киритилган меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг болаларига мавсумий фаолият юритадиган оромгоҳларга бепул йўлланмалар олишга кўмаклашиши*

Изоҳ. 2023 йил 15 октябрдан бошлаб 26 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилади.

\*) 2024 йил 1 январдан бошлаб 23 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 14 октябрдаги 539сон қарорига  
2-илова

**Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахснинг сўровномасини талаб этмаган ҳолда  
ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатлар ҳамда унинг  
номидан сўровнома (ариза) киритиш йўли билан кўрсатиладиган  
ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар  
РЎЙХАТИ**

T/р	<b>Ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатлар</b>
<b>I. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахснинг алоҳида розилигини талаб қилмасдан шошилинч ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатлар</b>	
<b>1. Тазийқ ва зўравонлик, шу жумладан, болаларга нисбатан зўравонлик</b>	
2.	Шошилинч тиббий ва руҳий ёрдамга муҳтоҷлик
3.	Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар
4.	Ота-она қарамоғисиз, қаровсиз ва назоратсиз қолиб кетган болалар аниқланган ҳолатлар
5.	Ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолатлар
<b>II. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахс номидан сўровнома (ариза) киритиш йўли билан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар</b>	
1.	Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахсларга ёшга доир ҳамда болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзандлари бор (бўлган) оналарга ёшга доир нафақасини тайинлаш*
2.	Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналар ёшга доир, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик ҳамда вафот этган шахснинг қарамоғидаги оиласининг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларига боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлаш учун*
<b>Ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича</b>	
3.	Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ажратиш ажратиш учун сертификат расмийлаштириш
4.	Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидағи санаторийларга йўлланмалар ажратиш
5.	Талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш, шунингдек ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига киритиш (ундан чиқариш)
6.	Яшаш жойида санитария-эпидемияга қарши тадбирларини ўтказиши*
<b>Ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган болалар бўйича</b>	
7.	Ногиронликни белгилаш ва ногиронлик гуруҳини ўзгартириш
8.	Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ажратиш
9.	Ногиронлиги бўлган шахслар учун мумкин бўлган меҳнат фаолияти

T/p	<b>Ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатлар</b>
	турлари тўғрисидаги маълумотнома (тавсиянома) олиш
10.	Махсус жиҳозланган транспорт воситасини бошқариш учун хulosа сўраб қилган мурожаатини тиббий-ижтимоий-эксперт комиссиясига йўналтириш
11.	Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш*
12.	Ногиронлиги бўлган шахсларга ер участкаларини онлайн-аукционда сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш*
13.	Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга “Параспорт ўйинларида тасниф қоидалари ва принциплари”га кўра параспорт билан шуғулланишлари учун хulosа олиш
<b>Тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахслар бўйича</b>	
14.	Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларига жойлаштириш*
<b>Кам таъминланган оилалар бўйича</b>	
15.	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисида маълумотномани олиш*
16.	Мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш*
<b>Етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйча</b>	
17.	Пенсия олиш ҳукуқига эга бўлмаган вофот этган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларига бокувчисини йўқотганлик нафақасини расмийлаштириш*
18.	Мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш

**Изоҳ. 2023 йил 15 октябрдан бошлаб 9 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилади.**

**\*) 2024 йил 1 январдан бошлаб 9 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилади.**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 14 октябрдаги 539-сон қарорига  
3-илова

**Ижтимоий ходимларнинг ойлик иш ҳақи ва фаолиятининг  
самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган мукофот  
МИҚДОРЛАРИ**

T/р	Кўрсаткичлар	Миқдори
<b>I. Ойлик иш ҳақи миқдорлари</b>		
<i>(бирақтирилган ҳудуддаги оиласлар сонидан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорига нисбатан)</i>		
1.	Ижтимоий хизматларни ташкиллаштириш бўйича мутахассис ҳамда 1 500 тагача оиласла хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4 баравар
2.	1 501 тадан 2 000 тагача оиласла хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4,2 баравар
3.	2 001 тадан 2 500 тагача оиласла хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4,4 баравар
4.	2 501 тадан 3 000 тагача оиласла хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4,6 баравар
5.	3 001 тадан 3 500 тагача оиласла хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4,8 баравар
6.	Мобил гурӯҳлардаги ижтимоий ходимлар ҳамда 3 500 тадан ортиқ оиласла хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	5 баравар
<b>II. Фаолият самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган ҳар ойлик мукофот миқдори</b>		
<i>(ойлик иши ҳақига нисбатан)</i>		
1.	Фаолият самарадорлиги “қониқарли” деб топилганда	15 фоиз
2.	Фаолият самарадорлиги “яхши” деб топилганда	30 фоиз
3.	Фаолият самарадорлиги “аъло” деб топилганда	50 фоиз

**Изоҳ.**

Ойлик иши ҳақини ҳисоблашида ижтимоий ходимларга бирақтирилган маҳаллаларда  
